

XXII. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ¹

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг энг муҳим қисми бўлиб, у фуқароларнинг муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган. Сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя соҳасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ва қўшимча ресурсларни жалб қилиш, ижтимоий ҳимоя дастурлари қамровини кенгайтириш ва оилаларни оғир ҳаётий ҳолатлардан олиб чиқишга қаратилган қўшимча механизмларни жорий этиш йўналишларида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими жорий қилинди.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб ҳамда ижтимоий ҳимоя соҳасида тизимли ислохотларни изчил давом эттириш ва янада такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимоя олиш ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда самарали идоралараро мувофиқлаштирувчи тизимни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги ПФ-175-сон Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси” тасдиқланган. У аҳолининг заиф қатламларни ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий адолатни таъминлашга йўналтирилган. Алоҳида эътибор кексаларга, ногиронлиги бор шахсларга ва кўп болали оилаларга ажратилган. Мамлакатда заиф қатламларни қўллаб-қувватлаш ҳар доим муҳим вазифа бўлиб келган, чунки бундай кадриятлар, яъни меҳр-шафқат ва ўзаро ёрдам Ўзбекистон халқи маданияти ва анъаналарининг ажралмас қисми ҳисобланади.


Ижтимоий ҳимоя – мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуидир. Давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги. Унинг асосий мақсади аҳоли фаровонлигининг тўхтовсиз яшиланишини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, жамият томонидан инсонга муносиб ҳаёт даражасини ва инсон тараққиётини таъминлашга ёрдам беришдан иборат.

¹⁾ 2024 йил учун маълумотлар Статистика дастурига мувофиқ 2025 йилнинг май ойида шакллантирилади.

1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ


Пенсия – уни олиш ҳуқуқи қонунчиликда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида пенсия ва нафақа олувчи шахслар сони (тегишли йилнинг охирига, минг киши)




Ўзбекистон Республикасида 2023 йил якуни бўйича пенсия ва нафақа олувчи шахслар сони 4 827,3 минг кишини ташкил этган ва 2019 йилга нисбатан 948,9 минг кишига, яъни 24,5 % га кўпайган.

Пенсия ва нафақа олувчи шахслар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2023 йил охирига, минг киши)



Пенсия ва нафақа олувчи шахсларнинг энг кўп қисми Фарғона (546,8 минг киши), Самарқанд (523,3 минг киши) ва Қашқадарё (448,3 минг киши) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (126,9 минг киши), Навоий (165,1 минг киши) ва Жиззах (175,4 минг киши) вилоятларига тўғри келган.

Ўзбекистон Республикасида пенсия ва нафақа олувчилар сони ¹
(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасида 2023 йил охирига пенсия ва нафақа олувчилар сони 4 715,7 минг кишини ташкил этган ва 2019 йил якунига нисбатан 920,9 минг кишига ортган, бу эса 24,3 % га ўсишни ташкил этган.

Пенсия ва нафақа олувчилар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши ¹
(2023 йил охирига, минг киши)




Худудий таҳлилга қараганда, Фарғона (536,8 минг киши), Самарқанд (507,9 минг киши) ва Қашқадарё (435,4 минг киши) вилоятларида энг кўп пенсия ва нафақа олувчилар белгиланган, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (123,6 минг киши), Навоий (161,9 минг киши) ва Жиззах (169,5 минг киши) вилоятларида қайд этилган.

Нафақа – қонунчиликка мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга бериладиган ойлик пул тўловидир.

¹⁾ Кўрсаткич шахс (одам)лар сонини эмас, балки боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия ва нафақа оладиган оилалар сонини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида пенсия олувчиларнинг умумий сони ¹


(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



Ўзбекистон Республикасида 2023 йил якуни бўйича пенсия олувчиларнинг умумий сони 4 066,2 минг кишини ташкил этган ва 2019 йилга нисбатан 636,4 минг кишига, яъни 18,6 % га ошган.

Пенсия олувчиларнинг умумий сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши ¹

(2023 йил охирига, минг киши)



Ҳудудлар кесимида қараганда 2023 йилда энг кўп пенсия олувчилар Фарғона (475,9 минг киши), Самарқанд (430,9 минг киши) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрига (385,0 минг киши) тўғри келган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (103,6 минг киши), Жиззах (136,2 минг киши) ҳамда Навоий (139,3 минг киши) вилоятларида қайд этилган.

Пенсия олувчилар – қонунчиликка мувофиқ мунтазам равишда пуллик тўлов (пенсия)ларни олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифасидир. Ушбу тўловлар пенсия ёшига етиши, ногиронлиги, боқувчисини йўқотганлиги ёки кўп йиллик хизматига кўра ижтимоий қўллаб-қувватлаш сифатида тақдим этилади.

¹⁾ Кўрсаткич шахс (одам)лар сонини эмас, балки боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия оладиган оилалар сонини ўз ичига олади.

Ёшга доир пенсия, шу жумладан кўп йиллик хизмати учун
пенсия, олувчи шахслар сони
(тегишли йилнинг охирига, минг киши)




Пенсия олувчи ногиронлиги бўлган шахслар сони
(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



Боқувчисини йўқотганлик бўйича пенсия олувчи oilалар сони
(тегишли йилнинг охирига, минг oilа)




Ўзбекистон Республикасида ёшга доир пенсияларнинг энг кам миқдори
(тегишли йилнинг охирига, минг сўм)




Ўзбекистон Республикасида ёшга доир пенсияларнинг энг кам миқдори таҳлили уни йилдан йилга ўсаётганини кўрсатмоқда. Шундай қилиб, 2019 йил якунига ёшга доир пенсияларнинг энг кам миқдори 436,1 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йил якунига келиб у 363,9 минг сўмга ошди (яъни 83,4 % га) ва 800,0 минг сўмга етди.

Ёшга доир пенсияларнинг энг кам миқдори – бу давлат томонидан белгиланган пулик тўловнинг энг кам миқдори бўлиб, у пенсия ёшига етган фуқароларга қонунчиликка мувофиқ тақдим этилади. Ушбу кўрсаткич пенсионерларнинг минимал эҳтиёжларини қондиришни таъминлаб, улар учун моддий қўллаб-қувватлашнинг базавий даражасини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида ногиронлик гуруҳлари бўйича
пенсия олувчи шахслар сони
(2023 йил охирига, минг киши)




Ўзбекистон Республикасида нафақа олувчиларнинг умумий сони ¹
(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



2023 йилда Ўзбекистон Республикасида нафақа олувчиларнинг умумий сони 649,5 минг кишини ташкил этди ва 2019 йилга нисбатан 284,5 минг кишига, яъни 77,9 % га кўпайди.

Нафақа олувчиларнинг умумий сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши ¹
(2023 йил охирига, минг киши)



Энг кўп нафақа олувчилар Самарқанд (76,9 минг киши), Қашқадарё (75,4 минг киши) ва Фарғона (60,9 минг киши) вилоятларида қайд этилган бўлса, бошқа вилоятларга нисбатан энг паст кўрсаткичлар Сирдарё (20,0 минг киши), Навоий (22,6 минг киши) ва Бухоро (26,7 минг киши) вилоятларига тўғри келган.


Нафақа олувчилар – қонунчиликка мувофиқ давлат ёки бошқа манбалардан ижтимоий тўлов (нафақа)лар олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифасидир. Нафақалар инсон муайян ҳаётий вазиятларда моддий ёрдамга муҳтож бўлган вақтда унга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида берилади.

¹⁾ Кўрсаткич шахс (одам)лар сонини эмас, балки боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақа оладиган оилалар сонини ўз ичига олади.

2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР

Ногиронлиги бўлган шахс – ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс.

Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахслар сони (тегишли йилнинг охирига, минг киши)



Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахслар сони сезиларли даражада ошди. Агар 2019 йилда уларнинг сони 740,7 минг кишини ташкил этган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 941,9 минг кишига етди.

Ногиронлиги бўлган шахслар сонининг сезиларли даражада ўсиши сўнгги бир неча йил ичида уларни ҳисобга олиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.


Ногиронлиги бўлган шахслар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2023 йил охирига, минг киши)

Самарқанд	101,6
Қашқадарё	95,3
Фарғона	88,7
Андижон	80,6
Сурхондарё	76,8
Наманган	75,6
Тошкент	68,8
Қорақалпоғистон Респ.	65,1
Тошкент ш.	62,5
Хоразм	55,7
Бухоро	54,7
Навоий	42,9
Жиззах	39,9
Сирдарё	33,7



Ногиронлиги бўлган шахслар сонини ногиронлик гуруҳлари бўйича тақсимланиши

(2023 йил охирига, минг киши)




2023 йилда ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сонидан 18 ёшгача бўлган болалар 161,9 минг кишини (17,2 %), I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар – 87,3 минг кишини (9,3 %), II гуруҳ – 631,5 минг кишини (67,0 %) ва III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар – 61,2 минг кишини (6,5 %) ташкил этган.

Ногиронлик гуруҳлари – соғлиғини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади.


Ногиронлиги бўлган шахслар сонини ногиронлик гуруҳлари бўйича ва ҳудудлар кесимида тақсимланиши

(2023 йил охирига, минг киши)




Ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сонига ногиронлик бўйича ҳисобда турган ва пенсия ёки нафақа оладиган ногиронлиги бўлган шахслар киритилади.

Ногиронлиги бўлган шахсларни жинси бўйича тақсимланиши
(тегишли йилнинг охирига, минг киши)



2023 йил охирига ногиронлиги бўлган аёллар сони 420,1 минг кишини (ногиронлиги бўлган шахсларнинг умумий сонидан 44,6 %), эркаклар сони эса 521,8 минг кишини (55,4 %) ташкил этган. 2019 йил маълумотларига нисбатан аёллар сони 32,7 % га, эркаклар сони эса 23,0 % га ошган.

Ногиронлиги бўлган шахслар сонини ҳудудлар кесимида гендер тақсимоти
(2023 йил охирига, минг киши)



Статистик кўрсаткичларга изох

Пенсионерлар – Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ пенсия олаётган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган шахслардир. Ўзбекистонда ёшга доир пенсияга чиқиш эркаклар учун 60 ёш ва аёллар учун 55 ёш деб белгиланган.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига, эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар эса 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Ногиронлик пенсиялари қонунчиликда белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган шахсларга, шунингдек Чернобиль АЭСдаги авария туфайли майиб бўлиш ёки касаллик оқибатида III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган шахсларга тайинланади.

Вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари **боқувчисини йўқотганлик пенсияси** олиш ҳуқуқига эга бўлади. Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Нафақа – қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга бериладиган ойлик пул тўлови бўлиб, қуйидагилар ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахслар ҳисобланади:

- а) ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар;
- б) ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакил;
- в) Қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;
- г) қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган вафот этган шахснинг қарамоғидаги оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари;
- д) қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахслар ҳамда болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналар.

Ногиронлиги бўлган болалар – барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари туфайли ҳаётининг фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар.